O'ZBEKISTON
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 15 ноябрь, № 226 (4379) Пайшанба

# ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

*Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да ўтаётган биринчи Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг учинчи иш куни, айниқса, самарали битимларга, истиқболли лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш борасида аҳдлашувларга ниҳоятда бой бўлди. Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати вакиллари 62,8 млрд. сўмлик 90 та, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси таркибидаги корхоналар 42,6 млрд. сўмлик 16 та, шунингдек, "Фармсаноат" уюшмаси тизимидаги ишлаб чиқариш субъектлари 9,6 млрд. сўмлик 15 та маҳсулот олди-сотдиси бўйича шартнома имзолаганлари бунинг далилидир.*



**Кўргазма кундалиги**

Таъкидлаш жоизки, павильонлар олдидаги музокара майдончалари ҳам аввалги кунларга нисбатан сезиларли даражада гавжумлашди. Томонлар ўртасида бозорга хос жараён — нарх-наво, маҳсулот сифати ва мувофиқлик сертификати, қўйингки, ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасидаги олди-сотди шартномасининг ҳар бир бандига аниқлик киритишга интилиш ҳукм сурди.

Ярмарка иштирокчиларидан бири — "Жиззах аккумулятор заводи" акциядорлик жамияти маҳсулотлари эндиликда нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам тобора харидоргир бўлмоқда. Ушбу корхона "ЎзДЭУавто" акциядорлик жамиятининг энг ишончли ҳамкорларидан бири саналади.

Завод маҳсулотлари намойиш этилаётган павильонда мазкур жамият тайёр маҳсулотлар бўлими бошлиғи Равшан Ҳасанов ва Урганчдаги "Мини аккумулятор" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Арслон Қаландаров ўртасидаги келишув жараёнларини кузатдик:

*Р. Ҳасанов: — Арслон ака, жорий йилда сиздан 100 минг дона моноблок олдик. 2008 йилда эса яна 250 минг дона шундай маҳсулотни харид қилмоқчимиз. Агар уларни ўз вақтида етказиб берамаи десангиз, нарх-навосини келишамиз.*

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 18-19 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Туркманистонда бўлди. Ушбу ташриф икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожига янги суръат бахш этди, ҳамкорликни кенгайтириш, унинг мазмунини янада бойитиш учун янги имкониятлар очиб берди.*

# ЮКСАК ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Зеро, Ашхобод саммитида Ўзбекистон ва Туркманистон манфаатларига хизмат қиладиган қатор ҳужжатлар, жумладан, Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланди.

Ташриф асносида Президент Ислом Каримов Ашхободдаги От спорти мажмуи билан танишди. Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳаммедов мамлакатимиз раҳбарига ахалтекин зотли тулпор совға қилди. Бу Туркманистон раҳбарияти ва халқининг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга, ўзбек халқига бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромининг амалий ифодаси бўлди.

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти спорт мажмуида 14 ноябрь куни Ўзбекистон ва Туркманистон халқлари дўстлигининг ўзига хос рамзига айланган мазкур от жамоатчиликка намойиш этилди.

Шу муносабат билан стадионга Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, От спорти федерацияси, Байналминал маданият маркази ва кенг жамоатчилик вакиллари, Туркманистон элчихонаси ва Туркман миллий маданият маркази раҳбарлари ташриф буюрдилар.

Карнай-сурнай садолари остида от стадионга олиб кирилди.

Туркман халқи азалдан отга ўзгача меҳр билан қарайди. Буни мамлакат гербида от сурати акс эттирилгани ҳам тасдиқлайди. Туркманлар энг улуғ ва энг азиз меҳмонга от совға қилади.

Ўзбек халқи учун ҳам от ана шундай қимматли қадриятлардан ҳисобланади. Гўрўғли ва Алпомиш достонларида қаҳрамоннинг доимий йўлдоши ва халоскори бўлган от ҳақида ажойиб тасвирлар бор. Ғирот ва Бойчибор номлари барчамизга болаликдан ёд бўлиб кетган.

Ўзбек ва туркман халқлари отни дўстлик, садоқат, саломатлик ва бирдамлик рамзи сифатида ардоқлайди. Тўйларни, оммавий сайилларни улоқ, пойга, чавандозлар баҳслари билан ўтказади.

Ўзбек ва туркман халқларининг илдизи бир, тарихи муштарак, улар асрлар давомида бир дарёдан сув ичиб, қариндошлик ришталарини қарор топтириб келган. Навоий асарлари кириб бормаган туркман хонадонини, Махтумқулини ўқимаган ўзбекни топиш қийин.

Туркманистон Президентининг ўзбек халқига туҳфаси бўлган Ривож лақабли мазкур от халқларимиз ўртасидаги азалий дўстликнинг рамзий ифодасидир.

Тантанали маросимда Президентимизнинг Туркманистонга давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаргани, эришилган келишувлар халқларимизнинг манфаатларига хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Туркманистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С. Пирмуҳамедов, Ўзбекистон Байналминал маданият маркази директори Н. Муҳаммадиев, Республика от спорти федерацияси раҳбарининг ўринбосари К. Мирхўжаев Туркманистон раҳбарининг ўзбек халқига туҳфаси мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликка, ҳурмат ва ишончга, яхши қўшничиликка асосланган ўзаро манфаатли муносабатларнинг, мустаҳкам ҳамкорлик ришталарининг белгиси эканлигини таъкидладилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов сўзга чиқди.

**(ЎзА).**



Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

**Анжуман**

***Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти — ISESCO ҳамкорлигида Тошкент шаҳрининг 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилингани муносабати билан уюштирилган «Ўзбекистон — ислом дунёсининг буюк мутафаккирлари юрти» мавзуидаги анжуман кеча Бухоро шаҳрида ўз ишини давом эттирди.***

## БУЮК МЕРОС ЭЪТИРОФИ

Бухоройи шариф азал-азалдан исломий қадриятларнинг сарчашмаларидан бўлиб келган. Қадимий шаҳарнинг қай бир гузари, маҳалласига қадам қўйманг, масжиду мадрасаларга, қадимий обидаларга дуч келасиз. Бу ушбу диёрнинг илмий салоҳияти, тафаккури жуда бойлигидан далолат беради. Ибн Сино, Наршахий, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари буюк аждодларимиз бой маънавий мероси умумжаҳон миқёсида эътироф этилгани бежиз эмас.

Мустақиллик йилларида шу бебаҳо меросга муносабат тубдан ўзгарди. Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида ислом маданиятининг улуғ пирлар — Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд қадамжолари обод зиёратгоҳга айлантирилди. Мири Кулол, Хўжа Исмат Бухорий, Хўжа Али Ромитоний, Чорбакр зиёратгоҳлари кўркам манзил қиёфасини олди. Бундай эзгу ва савоб ишлар изчил давом этаяпти.

Анжуманда ана шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътироф этилди. Конференция қатнашчиларида «Ўзбекистон шаҳарлари: тарих ва маданий мерос», «Ўзбекистон ва Марказий Осиёда араб тилини ўқитишнинг аҳамияти», «Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва илмий мероси» мавзуларидаги маърузалар, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Турли давлатлардан ташриф буюрган таниқли олимлар ва ижодкорлар анжуман мавзуси доирасида ўзаро фикр алмашдилар.

Бугун анжуман меҳмонлари Бухоронинг муқаддас қадамжоларида бўлиб, тарихий ёдгорликларни томоша қиладилар.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Кеча Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институтида "Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида қишлоқда инфратузилма объектларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари" мавзуида илмий-амалий конференция иш бошлади.***

## БИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ БОР?

Бу мавзунинг долзарблиги шундаки, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган 214 мингдан ортиқ фермер хўжаликларида олинадиган даромад бевосита хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг фаолиятига боғлиқ. Шу боис, кейинги йилларда ерни экишга тайёрлашдан тортиб, то ҳосилни йиғиштириб олгунгача бўлган жараёнларда турли мулкчилик шаклидаги хизмат кўрсатувчи сервис тузилмалари шакллантирилиб, ривожлантирилмоқда. Биргина жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида қўшимча равишда 305 та муқобил МТП, 71 та минибанк, 229 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 129 та ёнилғи-мойлаш материаллари, 104 та минерал ўғитлар етказиб берувчи шохобча очилди. Шунингдек, бозор талабларига хос маслаҳатлар ва хизмат кўрсатувчи консалтинг марказлари фаолияти тобора ривожлантирилаётир. Ана шу тузилмаларнинг фермер хўжаликларига яқин ҳудудларда ташкил этилгани туфайли оралиқ бўғинлар камайиб, сарф-харажатлар қисқармоқда. Натижада, маҳсулот таннархининг арзонлашиши кузатиляпти.

Анжуманда сўзга чиққан мутахассислар эришилган ютуқлар билан бирга айрим муаммоларга ҳам эътибор қаратишди. Таъкидландики, кўрсатилаётган баъзи хизматларнинг сифати ва баҳоси талаб даражасида эмас. Мазкур камчиликларни бартараф этишнинг энг осон йўли — рақобат муҳитини юзага келтириш. Бу бандлик даражасини оширишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

**С. РАҲМОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

***Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 14 ноябрь куни Ўзбекистон ва Япония ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Сиёсий тадқиқотлар маркази ҳамда Япония Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу форум ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, молия, нефть-газ, энергетика, қурилиш, машинасозлик, кимё, енгил саноат, ахборот технологиялари, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Р. Азимов икки давлат

(Давоми 2-бетда).

## ҚАРШИ-ТЕРМИЗ МАГИСТРАЛ ОПТИК ТОЛАЛИ АЛОҚА ЛИНИЯСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

***Мамлакатимизда телекоммуникация тармоғини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январда қабул қилинган «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилишга доир қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.***

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Хитой тараққиёт банки ва "Huawel Technologies Co.Ltd" (ХХР) компанияси билан ҳамкорликда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Умумий қиймати 18 313 520 АҚШ долларига тенг "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоғини реконструкция қилиш ва ривожлантириш" лизингга асосланган лойиҳа доирасидаги ушбу ишлар ўз самараларини бермоқда.

Жумладан, «Ўзбектелеком» АК томонидан жорий йилнинг 1 ноябрь куни магистрал алоқа тармоқларини кенгайтиришга қаратилган Қарши-Термиз рақамли радиорелей линиясига параллел равишда узунлиги 360 километрдан ортиқ оптик толали магистрал алоқа линияси қурилиши ишлари якунланди ва STM — 16 (2.5 Гбит/с тезликка эга) даражали рақамли узатиш тизими фойдаланишга топширилди. Бу Тожикистон ва Афғонистон йўналишида халқаро телекоммуникация каналларини кенгайтириш, захиралаш, мамлакатимиз ҳудудидан телефон сўзлашувларини амалга ошириш ва маълумотларни узатиш, интернет трафиги ҳамда транзит трафик имкониятларини кенгайтириш имконини беради.

Ҳозир мазкур вилоятларнинг барча туманлари марказларига ўрнатилган замонавий рақамли телефон станциялари ва узатиш тизимларида синов ишлари якунига етмоқда. Айни пайтда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари телекоммуникация тармоғи учун мўлжалланган, узунлиги 670 километрлик оптик толали кабелни ётқизиш ишлари давом этмоқда. Оптик толали кабеллар ётқизиш ишлари тугалланган участкалар эса синовдан ўтказиш учун фойдаланишга топширилмоқда. Жумладан, Деҳқонобод, Қамаши, Ғузор, Бойсун, Қизириқ, Бандихон ва Шеробод туманлари марказларида ўрнатилган рақамли телефон станциялари оптик толали алоқа линияларига уланиб, синовдан ўтказилмоқда.

Оптик алоқа кабелларини ётқизиш ишлари тугаллангач, мазкур вилоятлар аҳолисининг сифатли ва замонавий телефон хизматидан фойдаланиш, юқори тезликдаги алоқа линиялари орқали маълумотларни узатиш ва интернет хизматидан баҳраманд бўлиш имкониятлари янада кенгаяди.

**(ЎзА).**

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Олий суд раиси Б. Мустафоев бошқарган тадбирда мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Бу Конституциямизда, қонунларимизда ва умумэътироф этилган халқаро нормаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, дахлсизлиги, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалдаги натижаларида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ҳамда 2005 йил 8 августда қабул қилинган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармонлари

(Давоми 2-бетда).

*23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни*

# САЙЛОВ – ОЛИЙ ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

***Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломовнинг Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари жамоатчилиги билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувдан кўзланган мақсад мамлакатимиз олий таълим тизими вакилларига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссияси фаолияти, шунингдек, унинг доирасида ташкил этилган тадбирлар хусусида маълумот бериш эди.***

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Таълим соҳаси вакиллари кенг жамоатчилик, биринчи галда, ёшларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг мазмуни ва аҳамиятини, демократиянинг асосий шарти бўлган эркин сайловлар, миллий сайлов қонунчилигимизнинг моҳиятини тушунтириб беришда муҳим ўрин тутади. Бу фаолиятнинг нечоғли самара беришини Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломовнинг ўтган ҳафтада ёшлар вакиллари билан бўлган учрашуви ҳам тасдиқлади.

Мулоқот чоғида бугун турли ўқув юртларида ҳар томонлама чуқур таълим олаётган, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбияланаётган йигит-қизлар мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ўзгаришларда, хусусан, давлат бошқарувини ислоҳ қилишда фаол иштирок этишга интилаётгани яққол намоён бўлди. Бугунги ёшлар бўлиб ўтадиган сайловда уларнинг эркин хоҳиш билдириши мамлакатимизни ривожлантиришда нечоғли муҳим аҳамият касб этишини теран англайди. Буларнинг барчаси олимлар ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари одамлар, жумладан, ёшлар онг-шуурида демократик қадриятларни шакллантиришга катта ҳисса қўшаётганини яна бир карра тасдиқлайди.

(Давоми 2-бетда).

## 23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

# САЙЛОВ — ОЛИЙ ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Марказий сайлов комиссияси 22 нафар аъзосининг 3 нафари олий ўқув юртлари ректоридир. 14 округ сайлов комиссияси раисларининг иккитаси ректорлардан сайланган. Бундан ташқари, олий ўқув юртларининг обрўли ва тажрибали вакиллари округ ҳамда участка сайлов комиссиялари таркибига киритилган. Олий ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар ва мактабларнинг замонавий биноларида сайлов участкалари жойлашган. Бир сўз билан айтганда, сайловни самарали ўтказишни таълим тизими вакилларининг бевосита иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Тадбирда иштирокчилар эътибори миллий сайлов қонунчилигимизнинг ўзига хослиги, хорижий мамлакатларнинг тегишли қонунчилигидан афзал жиҳатларига қаратилди. Масалан, Ўзбекистонда барча сайлов ва референдумларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун мустақил орган — Марказий сайлов комиссияси ташкил этилган. Айрим давлатлар, хусусан, Буюк Британия, Италия, Францияда бу вазифани Ички ишлар вазирлиги, Миср, Покистон ва Руминияда эса суд органлари амалга оширади. Ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишдан иборат Конституциявий тамойил мамлакатимиз сайлов тизимининг асосини ташкил қилади. Шу боис, ҳар бир фуқаро сайловларда иштирок этиш ёки этмасликни ўз хоҳишига кўра эркин белгилайди. Баъзи хорижий мамлакатларда, мисол учун, Бельгияда сайловларда қатнашиш мажбурий бўлиб, қатнашмаганлик учун жавобгарлик, жумладан, сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этиш чоралари белгиланган. Бизда сайлов қонунчилигимизга биноан, сайловлар умумий бўлиб, сайловчилар Президентликка номзод учун тўғридан-тўғри овоз беради. Айрим давлатлар, чунончи АҚШ ва бир қатор бошқа мамлакатларда сайловлар кўп поғонали, яъни, билвосита амалга оширилади ва сайловчилар бевосита Президентни эмас, балки давлат раҳбарини сайлаш ҳуқуқи бериладиган шахсларни сайлайди. Туркияда эса давлат раҳбарини мамлакат парламенти сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларнинг аниқ муддати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилгани сайлов қонунчилигимизнинг яна бир афзаллигидир. Хусусан, Асосий қонунимизнинг 117-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловлар тегишли равишда уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда, яъни декабрь ойининг учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда 1994 йилда "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" махсус қонун қабул қилинган. Бундай Қонун МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда қабул қилингани диққатга сазовордир. Буларнинг барчаси Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг нафақат умумэътироф этилган халқаро меъёрларга мослигини, балки унинг афзалликларини ҳам яққол тасдиқлайди.

Учрашув қатнашчилари Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир фаолияти билан ҳам таништирилди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганини эълон қилганидан сўнг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир календарь режа, ҳаракатлар дастури ҳамда бўлажак сайловга оид бошқа ҳужжатлар тасдиқланди. Ушбу ҳужжатлар округ ва участка сайлов комиссиялари фаолиятини тартибга солади, маҳаллий ва хорижий кузатувчилар фаолиятини ташкил этиш, сайлов кампаниясини молиялаштириш тартибини белгилайди ва бошқа масалаларни ҳал этади.

Учрашувда Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятида қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик ва адолатлилик принципларига тўлиқ амал қилаётгани, тадбирларни қонун ва календарь режада белгиланган муддатда ўтказишга алоҳида эътибор қаратаётгани таъкидланди. Бу борадаги ишлар сайлов тизимининг демократиклигини, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлашга қаратилган. Шу мақсадда 14 та сайлов округи, округ сайлов комиссиялари ва 8 мингдан ортиқ сайлов участкаси ташкил этилди.

Сайлов комиссияларининг таркиби шакллантирилди.

Яқинда Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон халқ-демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатдан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар тақдим этилди.

Сайлов комиссияларининг барча мажлислари оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилмоқда ва уларнинг фаолияти ҳақида ахборот аҳолига етказилмоқда. Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссиялари матбуот хизматлари фаол ишламоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнлари тўғрисидаги ахборот сунъий йўлдош орқали юздан ортиқ хорижий мамлакатларга узатилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси билан Миллий телерадиокомпания ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини холисона ёритиш бўйича битим имзоланди. Унинг доирасида сайловга тайёргарлик кўриш бўйича ўтказилаётган барча тадбирлар ҳақида сайловчиларга тезкор маълумот берувчи "Сайлов — демократия кўзгуси" деб аталган туркум кўрсатувлар ташкил этилди.

Учрашув амалий мулоқот, очиқ фикр алмашиш руҳида ўтди. Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов иштирокчиларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтарди. Саволлар, жумладан, сайлов комиссиялари фаолиятида очиқлик ва ошкоралик принципларига қандай риоя этилаётгани, сайлов давомида сайлов қонунчилиги бузилиши мумкинлигининг олдини олиш учун қандай чоралар кўрилаётгани, сайлов комиссияларининг давлат ҳокимияти органларидан мустақиллиги қандай таъминланаётгани, комиссиялар ўз фаолиятида илғор ахборот-коммуникация технологияларидан қай даражада фойдаланаётгани каби долзарб масалалар хусусида бўлди.

— Бўлиб ўтажак сайлов барчамиз учун ҳақиқий демократия мактаби бўлади, — дейди Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети проректори К. Норқулова. — Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилган ушбу учрашув биз, таълим соҳаси ходимларига зиммамизга юкланган вазифа — ўз билим ва тажрибамиздан фойдаланган ҳолда, аҳолига ва албатта, таълим олаётган ёшларга миллий сайлов қонунчилигининг барча жиҳатлари ҳамда афзалликларини тушунтириш учун ўз масъулиятимизни янада теран англаш имконини берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови эркин ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этаётган халқимиз, жамиятимиз ҳаётида янги саҳифани очиб беради. Бу борадаги ютуқлар эса аниқ ва равшан бўлиб, мамлакатимизда давлат раҳбари сайлови бўйича сайлов кампанияси очиқлик, ошкоралик шароитида, халқаро меъёр ҳамда андозаларга жавоб берадиган қонунларга тўлиқ амал қилинган ҳолда ўтказилаётгани бунинг яна бир ёрқин далилидир.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Инсоннинг яшаш ҳуқуқини мустаҳкамловчи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан қабул қилинган мазкур фармонлар мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида босқичма-босқич амалга оширилаётган сиёсатнинг амалий тасдиғидир.

Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари киритилиши дунёнинг бу йўналишдаги илғор тенденцияларига тўла мувофиқ келади ҳамда Конституциямизда эътироф этилган инсонпарварлик ва ижтимоий адолат тамойилларини ўзида ифода этади. Конституциямизнинг 19-моддасида белгиланганидек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир. Ҳуқуқ ва эркинликлардан суднинг қарорисиз маҳрум қилишга ёки уларни чеклашга ҳеч ким ҳақли эмас. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратура органларидан судлар ваколатига ўтказилиши ана шу конституциявий норманинг амалга ошишини таъминлайди.

Ўзбекистон ҳозирги кунга қадар ўлим жазоси бекор қилинган 122 давлат қаторига кирар экан, ушбу масалада ўз қатъий позицияси мавжудлигини, демократик ривожланиш йўлидан дадил одимлаётган мустақил давлат сифатида жаҳон цивилизациясида ўзининг мустаҳкам ўрни ва мавқеига эга эканини яна бир бор намоён этди. Зотан, дунёда миллий қонунчилигидан ўлим жазоси чиқариб ташланган мамлакатлар сони ортаётганига қарамай, бу жазо бир қатор мамлакатларда сақланиб қолмоқда, ҳатто, уни қўллаш доираси кенгайиб бораётир. Айрим давлатларда ўлим жазосини бекор қилиш масаласи ҳали кун тартибига ҳам қўйилмаган.

Президентимизнинг номи қайд этилган фармонларида белгилаб берилган вазифаларни амалда қўллаш имкониятини, яъни, ҳуқуқий механизмини яратишга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар маъқулланди.

Пленумда мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлашга қаратилган "Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо киритилиши муносабати билан қабул қилинган қонунни қўллаш тўғрисида"ги, "Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги масалалар муҳокама этилди.

Қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини ижрочилар ва кенг жамоатчилик эътиборига етказиш мақсадида тегишли идоралар томонидан жойларда кенг жамоатчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари иштирокида кенгайтирилган ўқув-семинарлари ўтказилди.

Ушбу масаланинг ўта муҳим ва долзарблигини инобатга олган ҳолда суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судлар томонидан мазкур қонуннинг тўғри қўлланилишини таъминлаш, судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий, процессуал механизмларини ҳамда ягона суд амалиётини йўлга қўйиш мақсадида Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар, Адлия вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Адвокатлар уюшмаси ҳамда Тошкент давлат юридик институти вакилларидан иборат таркибда ишчи гуруҳ ташкил этилди. Ишчи гуруҳ томонидан мазкур масалалар бўйича олимлар, амалиётчилар ва бошқа давлат идораларининг фикр-мулоҳазалари олинган ҳолда пленум қарорларининг лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Мажлисда шу хусусда фикр алмашилди ва муҳокамага киритилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров иштирок этди.

**(ЎзА).**

(Давоми. Боши 1-бетда).

раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзаро ҳамкорлик алоқалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил июль ойида Японияга расмий ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотга мос равишда ривожланиб бормоқда. Мазкур бизнес-форум Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликнинг янада кенгайиши ва мустаҳкамланишида муҳим омил бўлиши қайд этилди.

# ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Форумда япониялик ишбилармонлар мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя киритишнинг устувор йўналишлари, юртимизда давом этаётган хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

Юртимизда япониялик шериклар билан ҳамкорликда тузилган тўққизта қўшма корхона фаолият кўрсатаётир. Кунчиқар мамлакатнинг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Ташқи савдо ташкилотининг (JETRO), "Mitsui", "Mitsubishi", "Sumitomo", "Marubeni", "Itochu", "Toyota Tsusho", "Kintetsu Eurasia Express", "Sojitz" каби йигирмадан зиёд йирик корпорациянинг ваколатхонаси очилган. Япония сармояси иштирокида мамлакатимизда ўндан ортиқ йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг барпо этилиши ана шундай яқин ҳамкорлик самараларидандир. Самарқанддаги автомобиль заводида "Isuzu" русумли автобуслар, юк, чиқинди ташиш машиналари, кўтарма кранлар ишлаб чиқарила бошлагани қўшма лойиҳаларнинг муваффақиятига яна бир ёрқин мисолдир.

— Ўзбекистон — улкан иқтисодий имкониятларга эга мамлакат, — деди Япония Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги ташқи савдо бюроси бош директорининг ўринбосари Тошихиса Таката. — Япония Ўзбекистонни ўзининг энг яқин ва ишончли ҳамкорларидан, деб билади. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ. Келгусида нафақат савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳада, балки бошқа кўплаб йўналишларда ҳам биргаликда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш тарафдоримиз. Ўзбекистон билан ҳамкорликда иқтисодиётнинг барча йўналишларида улкан ютуқлар ва самарали натижаларга эришишимизга ишонамиз.

Тадбирда икки мамлакат ўртасида сармоявий ҳамкорликнинг янги йўналишларини шакллантириш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, япон технологиялари ва ноу-хауларини жалб этиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳамда банк-молия тизимини ривожлантириш, энергетика, фойдали қазилмаларни қидириб топиш ва ўзлаштириш, транспорт, логистика ва халқаро сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Япония компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Бунда Ўзбекистон ва Япония ишбилармонлари ўртасидаги бевосита ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Анжуманда Япониянинг "Proco Air Service" (сайёҳлик), "Shikoku Railway" (темир йўл), "Jogmec" (нефть-газ, металлар), "Advanced Materials Japan" (рангли металлар), "Itochu" (нефть-газ, тўқимачилик ва автомобилсозлик, кимё ва бошқа соҳалар) каби компаниялари Ўзбекистон бозорида ўз фаолиятини кенгайтириш ниятида эканлиги таъкидланди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

*А.Қаландаров: — Аввало, таклифингиз учун раҳмат! Биз корхонангизни ишончли ҳамкор сифатида ҳурмат қиламиз. Билсангиз керак, корхонамиз моноблок учун эҳтиёт қисм, яъни, втулканинг ҳар бирини Германиядан ўртача 40 центдан сотиб олади. Ҳозирда уни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришни режалаштиряпмиз. Насиб этса, янги йил бошларида ниятимиз ушалади. Шартимиз шуки, буюртмангизнинг ярмидан озроғини биринчи ярим йилликда, қолганини, хоҳласангиз, ортиқчаси билан тўртинчи чорак охиригача етказиб берамиз.*

Музокаралардан сўнг, ниҳоят, томонлар ўртасида тенг манфаатли шартнома имзоланди, ўзбекчасига айтганда, савдога "Бор барака" қилинди...

Шундан кейин павильонларни айланиб, ишлаб чиқарувчилар билан қўли-қўлига тегмай музокаралар олиб бораётган «Андижонкабель» ОАЖ бош технологи Дилшод Ҳасановдан биринчи Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси хусусидаги фикрини сўрадик.

— Очиғини айтганда, ярмарка менда катта таассурот қолдирмоқда, — деди у. — Чунки, биринчидан, мамлакатимиз саноат корхоналарининг ранг-баранг, жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган маҳсулотлари кўнгилга қувонч бахш этса, иккинчидан, кўплаб янги ҳамкорларни топаяпмиз. Мисол учун, "Шўртангазкимё" мажмуи билан салкам 1 млрд. сўмлик, Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар корхонаси билан 150 млн. сўмлик, Навоий тоғ-металлургия комбинати билан 7 млрд. 570 млн. сўмлик, "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамияти билан 1 млрд. сўмлик, "Ўз Кожи" қўшма корхонаси билан 850 млн. сўмлик, шунингдек, "Қутбитдин ҳамкор" масъулияти чекланган жамияти билан 40 млн. сўмлик шартнома имзоладик. Бунга, албатта, Президентимиз раҳнамолиги ва ташаббуси билан ташкил этилган ярмарка ҳамда кооперация биржаси шарофати орқали эришдик. Бўлмаса, шунча миқдордаги шартномаларни тузиш учун мамлакатимизнинг турли ҳудудларига бориб, керакли одамларни қидириб топишимизга 1,5-2 ой вақт сарфлаган бўлардик. Ярмаркада-чи? Нари борса, 2-3 соат вақтимиз кетди, холос.

Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг икки иш кунида жами 259 миллиард сўмлик 237 та шартнома тузилди. Савдо жараёнлари ва ўзаро ҳамкорлик борасидаги келишувлар эса қизғин давом этмоқда.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбирлари.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**

***Анвар Обиджон мустақил юртимиз болалар адабиётига янги оқим, янги оҳанг олиб кирган, уни янги поғонага кўтарган ижодкор. У юртимизга эл эъзозидаги адиблар, шоирлар, ҳофизларни кўплаб етиштириб берган Фарғона фарзандидир.***

# ИЖОДКОРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

**Мулоқот**

Ўтган ҳафта Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ҳамюртлари ҳузурида бўлиб, қирқ йиллик ижодий фаолияти ҳақида ҳисобот берди. Қўқон ва Марғилон шаҳарларида бадиий ижод мухлислари, Фарғона Давлат университети, политехника институти талабалари билан бўлган учрашувлар шеърият базмига айланиб кетди.

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги вилоят театридаги учрашувни эса, ҳеч муболағасиз, адабиёт байрамига қиёслаш мумкин. Шоир ва ёзувчи ижоди ҳақида Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Иқбол Мирзо, Тўлан Низом, Жуманиёз Жабборов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев тўлқинланиб гапирди. Олтиариқдаги учрашув, ижодий кеча эса чинакам иқтидор соҳиби, истеъдод эгасини мустақил Ватан, юрт нақадар эъзозлашининг амалдаги намойиши бўлди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭЛЛИКҚАЛЪАНИНГ БЕШИНЧИ КОЛЛЕЖИ

***Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ Элликқалъа туманидаги Бўстон агробизнес, тиббиёт, Ақчакўл қишлоқ хўжалик коллежлари капитал реконструкция қилинган, Отажон Худойшукуров номидаги Санъат ва педагогика коллежи эса янгидан қурилган эди.***

**Яхши хабар**

Куни кеча аҳоли зич жойлашган Сарибий мавзесида 540 ўринли агроиқтисодиёт коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 720 миллион сўм бўлган ушбу касб-ҳунар масканида 6 йўналиш бўйича ёшларнинг малакали мутахассис бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Коллеж шу мавзедаги «Сарибий», «Дўстлик», «Амиробод», «Тозабоғ» ва «Қиличиноқ» қишлоқлари ёшларини ўз бағрига олади.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҚИЗАМИҚ ВА ҚИЗИЛЧАГА ҚАРШИ

***Куни кеча республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида қизамиқ ва қизилчага қарши эмлаш ишларини олиб боришга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Юртимизда 25 ноябрга қадар давом этадиган мазкур тадбир доирасида 11 ёшдан 29 ёшгача бўлган саккиз миллион нафардан кўпроқ фуқаро қизамиқ ва қизилчага қарши эмланади. Бундан ташқари, республикамизнинг барча тиббиёт муассасаларида қизамиқ ва қизилчага қарши эмлаш бўйича амалий тадбирлар ўтказилмоқда.

Анжуманда ҳозирда турли ўткир инфекцияларни юқтирувчи юзлаб вакциналар ишлаб чиқарилаётгани, бундай препаратлар ёрдамида кўплаб касалликлар бутунлай бартараф этилаётгани, шунингдек, қизамиқ ва қизилча каби юқумли хасталиклар қаттиқ назоратга олингани таъкидланди.

Ҳозирги кунда барча ўқув-тарбия муассасаларида, бундан ташқари, ишлаб чиқариш корхоналари, маҳаллалар, қолаверса, барча ташкилот, идораларда ташкил этилган эмлаш пунктлари аҳоли саломатлигини сақлашда муҳим омиллардан биридир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад ушбу касалликларни бутунлай бартараф этишга қаратилган. Бу борада жойларда 500 мингдан ортиқ плакатлар, кўргазмали қуроллар тарқатилган. Амалга оширилаётган хайрли ишларнинг самарали бўлиши, албатта, аҳолининг мазкур хасталиклардан хабардорлигига ҳам боғлиқ.

**Ф. САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ФЕРМЕРЛАРГА ҚУЛАЙ БЎЛСИН

***Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ташаббуси билан пойтахт вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида республика кўргазмали семинари ўтказилди.***

**Тадбир**

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан жами 200 нафар фермер иштирок этган мазкур анжуман "Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини янада ривожлантириш" мавзуига бағишланди.

Таъкидландики, бугун фермер хўжаликлари аграр соҳада етакчи куч, том маънода, унинг локомотивига айланди. Жорий йилда мамлакатимизда ғалла ва пахта ҳосили тўлиғича улар томонидан етиштирилгани шундан далолат беради. Бу фермерлик ҳаракатини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ва уларга яратиб берилган қулай шарт-шароитнинг самарасидир. Хусусан, кейинги йилларда таъминот масаласи тубдан яхшиланди, хизмат кўрсатиш янада такомиллаштирилмоқда. Масалан, шу йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида фермер хўжаликларига 102,3 миллион сўмлик консалтинг, 82,1 миллион сўмлик юридик, 321,5 миллион сўмлик брокерлик хизматлари кўрсатилди. Шунингдек, бир қатор фермер хўжаликлари фаолиятига ноқонуний аралашувларга чек қўйилди.

Бироқ бу борада ҳали бажарилиши керак бўлган ишлар кўп. Фермерларнинг айтишича, марказлар фаолиятини янада жонлантириш зарур.

Семинар иштирокчилари Қуйи Чирчиқ туманидаги хизмат кўрсатувчи марказлар фаолияти билан яқиндан танишдилар, бир қатор илғор фермер хўжаликларида бўлиб, ўзаро тажриба алмашдилар. Мутахассислардан ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар.

**Р. САИДОВ.**

Спорт • Sport • Спорт • Sport

# ШОҲСУПАДА ОТА-ОНАЛАР

*Мамлакатни дунёга танитишда спортнинг ўрни ниҳоятда муҳим. Қувончлиси, бугунги кунда ўзбекистонлик спортчиларнинг турли халқаро мусобақаларда пешқадамлар сафида бўлиши одатий ҳолга айланиб бормоқда. Жаҳон спорт майдонларида Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилаётган спортчилар эса эл назарида.*



Яқинда пойтахтимиздаги "Универсал спорт саройи"да "Универсал жанг" бўйича ўтказилган VIII жаҳон чемпионатида ҳам ҳамюртларимиз 2 та олтин, 1 та кумуш ва еттита бронза медали билан ўттиздан ортиқ мамлакат спортчилари ичида фахрли биринчи ўринни қўлга киритишганди. Куни кеча "Олимпия шон-шуҳрати" музейида жаҳон чемпионлари Алишер Абдуллаев (75 кг.), Бахтиёр Аҳмедов (90кг.), кумуш медаль совриндори Мурод Хонтўраев (85 кг.), бронза медаль соҳиблари Нуриддин Долимов (60 кг.), Музаффар Юсупов (70 кг.), Шерали Абдураимов (75 кг.), Анвар Сирожиддинов (80 кг.), Шуҳрат Эшмуҳаммедов ва Алишер Акбаров (95 кг.), Ўлжас Абдуллаев (+95 кг.) ҳамда уларнинг устозлари, ота-оналарини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Ўғлим Мурод ёшлигидан спортнинг дзюдо, кикбоксинг тури билан шуғулланарди, — дейди Умида опа Хонтўраева. — Жаҳон чемпионатида совриндор бўлиш осон эмас. Буни мен юртимизда спортга берилаётган эътибор, устозларининг машаққатли меҳнати самараси деб биламан.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ОЛИМПИАДА ЙЎЛЛАНМАЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

**Канаданинг Квебек шаҳрида трамполин бўйича жаҳон чемпионати якунланди. Келаси йили Пекинда бўладиган ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи мазкур турнирда дунёнинг 40 мамлакатидан келган 160 нафар спортчи ғолиблик учун баҳс юритди.**

**Мазкур турнирда ҳамюртимиз Анна Савкина муваффақиятли қатнашиб, Пекин Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритди. Афсуски, мусобақаларда терма жамоамиз етакчи спортчиларидан ҳисобланган Екатерина Хилькодан омад юз ўгирди.**

**Ҳозирча юртдошларимиз ҳисобида 19 та йўлланма бор.**

Beijing 2008

# РИНГДА ЎСМИРЛАР

*Урганч шаҳрида «Урганчёғ» ОАЖнинг 30 йиллигига бағишлаб, Хоразм вилоят бокс федерацияси соврини учун ўсмир ёшлар ўртасида мусобақа ўтказилди.*

*Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 100 нафардан ортиқ ёш боксчилар қатнашиб, турли вазн тоифаларида куч синашдилар.*

*Якуний натижаларга кўра, Р. Имомов (48 кг. Хоразм), З. Ҳадиятуллаев (51 кг. Фарғона), О. Олаберганов (57 кг. Хоразм), У. Абдуллаев (64 кг. Хоразм), У. Халилов (69 кг. Навоий), Х. Алимирзаев (75 кг. Тошкент), Ш. Отажонов (81 кг. Хоразм), Д. Нишонбеков (91 кг. Фарғона), У. Салаев (92 кг. Хоразм)лар мусобақа ғолиби бўлдилар.*

*Ғолиблар турнир ташкилотчилари ва ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.*

***Ойбек РАҲИМОВ,***
***«Халқ сўзи» мухбири.***


O'ZSANOATQURILISHBANK

## АТ «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»



**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини ва мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказилаётган биринчи Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси савдоларида АТ «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида**

**2007 йилнинг 15 ноябридан 30 декабригача, йирик саноат корхоналари учун импорт ўрнини босадиган (локализация) саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кичик бизнес вакилларининг энг яхши**

**ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАСИ ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Танловнинг асосий шартлари:**

1. *Лойиҳа суммаси — 50,0 млн. сўмдан 500,0 млн. сўмгача, жумладан чет эл валютаси эквивалентида.*
2. *Устунликка эга тармоқлар — автомобилсозлик, кимё, қурилиш молларини ишлаб чиқариш, нефтгаз, нефткимёэнергетика ва бошқалар.*



**Совринли учта ўринни эгаллаган танлов қатнашчиларига қуйидаги совғалар берилади:**

**1-ўрин учун — *3,0 млн.сўм;***

**2-ўрин учун — *2,0 млн.сўм;***

**3-ўрин учун — *1,0 млн.сўм.***

**Танловда иштирок этиш учун аризалар ҳамда лойиҳа бизнес-режаси (ТИА) билан биргаликда 2007 йил 15 декабрга қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади:**

**Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.**
**Мурожаат учун телефонлар: 113-15-15, 120-45-31.**

1681H/2082



# «POYTAXT AUKSION»

## давлат унитар корхонаси

**ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари ўтказиладиган ким ошди савдоларига қуйидаги қурилиши тугалланмаган бинолар сотилгунга қадар танлов савдоларига қўйилишини маълум қилади:**




**1. Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси балансидаги Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлиқ-1 даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган ётоқхона биноси.**

***Бошланғич нархи — 394 629,88 АҚШ доллари.***







**2. Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси балансидаги Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 1/2 даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси.**

**Бошланғич нархи — 632 401,07 АҚШ доллари.**






**3. Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси балансидаги Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлиқ-4 даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган ётоқхона биноси.**

**Бошланғич нархи — 236 600,52 АҚШ доллари.**




**ИЗОҲ:** сотилиши белгиланган объектларнинг бошланғич баҳоси уларнинг ҳақиқий баҳоланган вақтига нисбатан эркин муомаладаги валютада ҳисобланган. Талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда, мазкур объектлар миллий валютада сотилиши мумкин, бунда тўловлар тўлов кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада амалга оширилади.

**Танлов шартлари:**

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- қисқа муддат ичида (кўпи билан 1,5 йил) қурилиш меъёрий қоидалари (ҚМҚ) талабларига мувофиқ қурилишни тугатиш ва бунинг учун зарур инвестиция киритиш;
- объект негизида ташкил қилинадиган фаолият турини бизнес-режа асосида амалга ошириш;
- янги иш жойларини ташкил қилиш ҳамда ҳудуд атрофини ободонлаштириш.

**Танлов савдоларида қатнашишни истаган сармоядорлар савдо ўтказиладиган санадан камида уч кун олдин қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

- танлов қатнашчисининг талабномаси (ўрнатилган тартибдаги);
- савдода қатнашиш учун савдо объекти кўрсатилган ҳолда объект бошланғич нархининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси (конвертга солинмасдан тақдим этилади);
- объектни сотиб олиш баҳоси (бошланғич баҳосидан кам бўлмаган миқдорда), шакллантириладиган бизнес йўналишига киритиладиган сармоя миқдори ва муддати кўрсатилган бизнес-режа;
- рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи нотариал тасдиқланган ҳужжат нусхаси.

**Хорижлик сармоядорлар юқоридагиларга қўшимча тарзда:**

- сармоядорнинг юртида сармоядорни рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома (рўйхатдан ўтказилган реестрдан кўчирма);
- сармоядорнинг тўлов салоҳиятига эга эканини тасдиқловчи, хизмат кўрсатувчи банкнинг (ёки халқаро аудиторлик хизматининг) маълумотномаси.

Жисмоний шахслардан — паспорт нусхаси.

Сармоя таклифлари конвертга солиниб, маҳкамланган ва шахсий муҳрлари билан тасдиқланган ҳолда «(Объект номи) танлов савдоларига» ёзуви билан ваколатли шахсга топширилиши ёки почта хизмати орқали жўнатилиши мумкин.

Танлов савдоларида қатнашиш учун объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини эркин муомаладаги валютада (АҚШ доллари) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бош бошқармаси ҳисоб-касса марказидаги ФА 00014, 21508840000600289002 ҳисоб рақамига ўтказилади. SWIFT: CBUZUZ22.

Миллий валютада «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

**Савдолар соат 11.00 да бошланади.**

**Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.**

**Телефонлар: 133-23-49, 133-23-40.**

1682R/2079


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати жамоаси масъул ходим Саидғани Саиднабиевич Насретдиновга онаси

**Дилбархон Хидаевна НАСРЕТДИНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон киноарбоблар бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси раҳбари Шаҳодат Муродовага падари бузруквори

**Отабек ҚЎЗИБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси ижодий жамоаси киностудия бошқаруви раиси Ш. Муродовага падари бузруквори

**Отабек ҚЎЗИБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси, геология-разведка ишлари назорати бўйича тармоқ инспекцияси I-тоифали мутахассис Ёрқул Эшқобуловга отаси

**Авған ЭШҚОБУЛОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 24132 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 1.25 Топширилди — 2.10

8